

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТДАГИ ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИ БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШГАН ЙЎЛ БЎЙИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

**Фазлиддин Исматович Баракаев**

Тошкент давлат транспорт университети

*Илмий раҳбар: Қаҳрамон Миллабоевич Сидиқназаров*

### АННОТАЦИЯ

Ушбу иш Тошкент – Термиз халқаро аҳамиятдаги транспорт йўлаги бўйлаб мавжуд йўл бўйи хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ҳолатини ўрганишга бағшланган. Хизмат кўрсатиш шахобчалари ўртача қандай масофада жойлашганлиги, йўлнинг ҳолати ва бутун йўлак бўйлаб жойлашган объектлар сонини аниқлаш орқали амалга оширилди. Кузатувлар натижаси, таҳлил қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш асосида Кўп функцияли хизмат кўрсатиш мажмуаларини жойлаштириш бўйича тавсиялар берилди.

**Калит сўзлар:** Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси (АТХКС), Умумий овқатланиш шахобчаси, қисқа муддатли тўхташ жойи, Автотураргоҳ, Меҳмонхона (мотел), Кемпинг, Кўп функцияли хизмат кўрсатиш мажмуаси.

## ROADSIDE INFRASTRUCTURE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN LOCATED ALONG THE TRANSPORT CORRIDORS OF INTERNATIONAL IMPORTANCE

**Fazliddin Ismatovich Barakaev**

Tashkent State Transport University

*Scientific director: Khahramon Millaboievich Sidikhnazarov*

### ABSTRACT

This work is devoted to the study of the state of roadside service infrastructure along the Tashkent-Termez international transport corridor. This was done by determining how far the service outlets were on average, the condition of the road, and the number of facilities along the entire corridor. Based on the results of observations, analysis and data processing, recommendations were made for the deployment of multifunctional service complexes.

**Keywords:** Car Service Station (CSS), Catering, short-term parking, Parking, Hotel (motel), Camping, Multifunctional service complex.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро аҳамиятдаги транспорт йўлакларидан бири М – 39 Тўшкент – Термиз транспорт йўлаклари бўйлаб жойлашган йўл бўйи хизмат кўрсатиш объектларини таҳлил қилар эканмиз, Ўзбекистон ҳудуди орқали юкларни ташиш учун мўлжалланган йўналишлардан бири Маршрут рақами 33 - Термиз автомобил йўли (Афғонистон) - Яллама (Қозоғистон), Афғонистон ва Қозоғистон чегараларини бир – бири билан боғлайдиган халқаро транспорт йўлаги мисолида кўриб чиқамиз.

Умумий узунлиги 598 км бўлган бу транспорт коридорида ёқилғи сарфи (100 км га 10 л асосида) 59,8 л ёқилғи билан Ўзбекистон чегараларини кесиб ўтиш мумкин. Бу йўлакнинг йўли ва йўл бўйи хизмат кўрсатиш объектлари ҳолатини билиш учун уни бир нечта майда участкаларга бўлиб текширамиз, ва улар қуйдагича. Яллама чегара постидан (Қозоғистон) Чиноз қишлоғигача 8 км (Тошкент), Чиноз қишлоғидан Сирдарёгача 2 км (Тошкент – Сирдарё), Сирдарёдан Жиззагача 85 км (Сирдарё – Жиззах), Жиззахдан Самарқандгача 140 км (Жиззах – Самарқанд), Самарқанддан Ғузогача 144 км (Самарқанд – Қашқадарё), Ғузордан Шерободгача 142км (Қашқадарё – Сурхондарё), Шерободдан Термизгача 58 км (Сурхондарё), Термиздан Термиз автомобил йўли чегара постигача 19 км (Афғонистон)

I. участка. Яллама чегара постидан (Қозоғистон) Чиноз қишлоғигача 8км (Тошкент) ва Чиноз қишлоғидан Сирдарёгача 2км (Тошкент – Сирдарё). (10 км) Халқаро аҳамиятга ега бўлган, йўл рақами ички белги бўйича М – 39 бўлиб, Европанинг Е – 40 йўналишининг бир қисми ҳисобланади. Йўл қопламаси асфалабетон, текис ландшафтда жойлашган, йил бўйи фойдаланса бўлади, йўлнинг ҳолати қониқарли. Йўналиш бўйлаб ҳаракат бўлаги 4 қаторли, 5 чи км дан бошлаб темирбетон тўсинлари билан йўлнинг қарама-қарши йўналишлари ажратилган. Йўлнинг бу участкасида 1 та АЁҚШ, 1та АГТК, 1 та меҳмонхона (мотел), 1та умумий овқатланиш шаҳобчаси, техник хизмат кўрсатиш стансияси (АТХКС) мавжуд эмас, 1 та қисқа муддатли тўхташ жойи, қўриқланадиган ёки оддий автотураргоҳ мавжуд эмас.

II. участка. Сирдарёдан Жиззагача 85 км (Сирдарё – Жиззах). Халқаро аҳамиятга ега бўлган, йўл рақами ички белги бўйича М – 39 бўлиб, Европанинг Е – 40 йўналишининг бир қисми ҳисобланади. Йўл қопламаси асфалабетон, текис ландшафтда жойлашган, йил бўйи фойдаланса бўлади, йўлнинг ҳолати яхши. Йўналиш бўйлаб ҳаракат бўлаги 4 қаторли, темирбетон тўсинлари билан йўлнинг қарама-қарши йўналишлари ажратилган. Ушбу участкада 8 та АЁҚШ, 11 та АГТК, меҳмонхона (мотел) йўқ, 4 та умумий овқатланиш шаҳобчаси, 1 та АТХКС, 3 та қисқа муддатли тўхташ жойи, қўриқланадиган ёки оддий автотураргоҳ мавжуд эмас.

III. участка. Жиззахдан Самарқандгача 140 км (Жиззах – Самарқанд). Бу участка М-39 А-376 дан 40 км, М-39 М-42дан 67 км, М-39 4Р-48 дан 135 км, М-39 М-37 дан 140 км кесиб ўтади. Халқаро аҳамиятга эга бўлган, йўл рақами ички белги бўйича М – 39 бўлиб, бу ҳам Европанинг Е – 40 йўналишининг бир қисми ҳисобланади. Йўл қопламаси асфалабетон, текис аммо 40 – 67 км тоғолди ҳудудида жойлашган, йил бўйи фойдаланса бўлади, йўлнинг ҳолати яхши. Йўналиш бўйлаб ҳаракат бўлаги 4 қаторли, темирбетон тўсинлари билан йўлнинг қарама-қарши йўналишлари ажратилган. Йўлнинг бу қисмида 21 та АЁҚШ, 11 та АГТК, меҳмонхона (мотел) йўқ, 8 та умумий овқатланиш шаҳобчаси, 4 та АТХКС, 6 та қисқа муддатли тўхташ жойи, бу ер ҳам қўриқланадиган ёки оддий автотураргоҳ мавжуд емас.

IV. участка. Самарқанддан Ғузогача 144 км (Самарқанд – Қашқадарё). Халқаро ва Республика аҳамиятга эга бўлган, йўл рақами ички белги бўйича М – 39 бўлиб, Транс – Афғон транспорт коридорининг бир қисми ҳисобланади. Йўл қопламаси асфалабетон, 31 км дан 54 км гача - тоғ доवони ҳудудида жойлашган, йил бўйи фойдаланса бўлади, йўлнинг ҳолати бошланғич 54 км қониқарли, 54 дан 144 км гача яхши, Йўналиш бўйлаб ҳаракат бўлаги 4 қаторли, 54 км дан 144 км гача темирбетон тўсинлари билан йўлнинг қарама-қарши йўналишлари ажратилган. Йўлнинг бу қисмида 21 та АЁҚШ, 8 та АГТК, 4 та меҳмонхона (мотел), 17 та умумий овқатланиш шаҳобчаси, 3 та АТХКС, 3 та қисқа муддатли тўхташ жойи, 1 та қўриқланадиган ёки оддий автотураргоҳ мавжуд.

V. участка. Ғузордан Шерободгача 142км (Қашқадарё – Сурхондарё). Халқаро аҳамиятга эга бўлган, йўл рақами ички белги бўйича М – 39 бўлиб, Транс – Афғон транспорт коридорининг бир қисми ҳисобланади. Йўл қопламаси асфалабетон, , 55 км дан 100 км гача - тоғ довони ҳудудида жойлашган, йил бўйи фойдаланса бўлади, йўлнинг ҳолати бошланғич нуқтадан 55 км гача яхши, 55 км дан 109 км гача қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, 109 км дан 142 км гача яхши. Бу қисмнинг бошланғич нуқтасидан 55 км гача темирбитон тўсинлар билан ажратилмаган 2 тасмали, 109 км дан 142 км гача 4 тасмали темирбитон тўсинлар билан ажратилган. Йўлнинг бу қисмида 14 та АЁҚШ, 10 та АГТК, 1 та меҳмонхона (мотел), 7 та умумий овқатланиш шаҳобчаси, 1 та АТХКС, 3 та қисқа муддатли тўхташ жойи, қўриқланадиган ёки оддий автотураргоҳ мавжуд емас.

VI. участка. Шерободдан Термизгача 58 км (Сурхондарё). Халқаро аҳамиятга эга бўлган йўл комплекси , йўл рақами ички белги бўйича М – 39 бўлиб, 26 км ни 4Р-23 кесиб ўтади ва Транс – Афғон транспорт коридорининг бир қисми ҳисобланади. Йўл қопламаси асфалабетон, текис ландшафтда жойлашган, йил бўйи фойдаланса бўлади, бутун узунлиги бўйлаб йўлнинг ҳолати яхши. Йўлнинг бу участкасида бошланғич нуқтадан 10 км гача 2 та, 10 км дан 31 км гача 4та, 31 км

дан 58 км гача 2 та узликсиз чизик билан ажратилган ҳаракатланиш тасмалари мавжуд. Халқаро транспорт йўналишининг бу бўлагида 7 та АЁҚШ, 8 та АГТК, меҳмонхона (мотел) мавжуд эмас, 3 та умумий овқатланиш шаҳобчаси, 2 та АТХКС, 2 та қисқа муддатли тўхташ жойи, қўриқланадиган ёки оддий автотураргоҳ мавжуд эмас.

VII. участка. Термиздан Термиз автомобил йўли чегара постигача 19 км (Афғонистон). Халқаро аҳамиятга эга бўлган йўл, йўл рақами ички белги бўйича М – 41 бўлиб, йўл қопламаси асфалабетон, текис ланшафтда жойлашган, йил бўйи фойдаланса бўлади, бутун узунлиги бўйлаб йўлнинг ҳолати яхши. Йўналиш бўйлаб ҳаракат бўлаги 2 қаторли. Ушбу участкада ҳеч қандай йўл бўйи хизмат кўрсатиш инфратузилмаси мавжуд эмас. [1]

**Тошкент –Термиз халқаро аҳамиятдаги транспорт йўлаклари бўйлаб жойлашган йўл бўйи хизмат кўрсатиш объектлари таҳлили**

1 – жадвал

Йўл бўйи хизмат кўрсатиш ва инфраструктурал ари номлари	Стандарт бўйича, км	1 участка.	2 участка.	3 участка.	4 участка.	5 участка.	6 участка.	7 участка.	Зарур
Участка узунлиги.		10	85	140	144	142	58	19	
Қисқа муддатли дам олиш жойи	20-30	1+	3+	6+	3-	3-	2+	-	5
АЁҚШ	20-30	1+	8+	21+	21+	14+	7+	-	1
АГТК	20-23	1+	11+	11+	8+	10+	8+	-	1
АТХКС	60-100	-	1+	4+	3+	1-	2+	-	3
Кемпинг	100-150		-	-	-	-	-		5
Меҳмонхона (мотел) ёки кемпинг	100-150	1+	-	-	4+	1	-	-	4
Овқатланиш шаҳобчас	20-30	1+	4+	8+	17+	7+	3+	-	1
Автотураргоҳ			-	-	1-	-	-		5

+ Йўл бўйи хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд ва етарлича.

- Йўл бўйи хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд эмас, бўлганда ҳам етарлича эмас.

Илмий изланишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу М – 39 Тошкент Термиз Халқаро транспорт йўлагиде деярли барча йўл бўйи хизмат кўрсатиш инфратузилмаси етишмайди ( АЁҚШ, АГТК дан ташқари). Бу еса йўл бўйи хизмат кўрсатишга бўлган талабни қондирилмаганидан далолат.

Бунинг асосий сабабларидан бири – хизмат кўрсатиш, туризм ва транзит фаолиятларининг яхши ривожланмагани, ҳамда, йўл бўйи хизматларига бўлган етиборнинг камлигидан келиб чиқади.

Бу муаммоларни ҳал етиш учун мен кўп функцияли хизмат кўрсатиш мажмуларини таклиф етаман.

Кўп функцияли хизмат кўрсатиш объектларида асосан овқатланиш шахобчаси (кафе, бар, ресторан), савдо шахобчалари (минимаркет), автомобилларга техник хизмат кўрсатиш стансиялари (ҳаракатланиш жараёнда вужудга келадиган носозликларни бартараф етиш пунктлари), қисқа ва узок муддатли дам олиш жолари, банкамат ва валюта айрибошлаш шахобчалари, телекоммуникатсия (телефон, кабелсиз интернет “Wi – Fi” ва б), ҳожатхоналар, хоммомлар, кийим – кечак ювиш ва қуриши хизмати ва намозхоналар жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари хизматлар қаторини бойитиш, тушадиган даромадларни кўпайтириш, мажмуа самарадорлигини ошириш ва ишчи ўринларини кўпайтириш мақсадида – мотел (меҳмонхона), кемпинглар ва уйча тиркамали автомобиллар (автокемпинг) турадиган жойлар, автотурааргоҳлар, электромобилларни зарядлаш қурилмалари (ҳар бир “кўп функцияли хизмат кўрсатиш комплекси” да биттадан, талабга қараб кўпайтириш имконияти билан), болалар ўйин майдончалари, хорижий ва маҳаллий туристлар учун ва улар ўзларининг уй ҳайвонларини сайр қилдириш майдончалари, автомобиллар ювиш жойи, тиббий ёрдам пункти (дорихонаси билан бирга), эвакуатсия ва майда йўл транспорт ҳодисаларида техник ёрдам хизмати, каттароқ савдо марказлари, (яхна ичимликлар, озиқ – овқат, сувинерлар, совғалар, маҳаллий хунармандчилик маҳсулотлари ва б) бундан ташқари фавқулотда вазиятлар, давлат аҳамиятдаги учрашвлар ва бошқа ҳолатларни ҳисобга оган ҳолда вертолёт қўниш майдончалари жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўп функцияли хизмат кўрсатиш объектларини аҳоли яшаш пунктларидан ташқарида IА ва IБ шу жумладан пуллик йўлларда 100 – 150 км масофада ёки ҳаракат жадаллиги катта ва хуш манзара манзилгоҳлар (тарихий жойлар, маданий мерослар, меморчилик обидалари, дарё, кўл, тоғ ён бағри, қоялар) га яқинлиги, ҳамда, шўл шароитларини ҳисобга олиб 60 км дан кам бўлмаган масофада жойлаштириш керак. Уларни лойиҳалашда флора ва фауна оламига зарар етказмасдан, ишчи кучи, электр энергияси, сув таъминоти ва канализатсияни

иншоотларини шаҳар қурилиши нормалари ва қоидаларига мос ёки бошқа ечимларини таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

### REFERENCES

1. Логистика. уз
2. Межгосударственный стандарт “Требования к размещению объектов дорожного и придорожного сервиса” Москва 2019